# ЁПИҚ ТОМ ТИЗИМИНИ ЙИҒИШ

1. **Том тўсимлари тизимини ўрнатиш;**
2. **Иситгич қобиғини жойлаш.**
   Иситгич қобиғи тоштахталари керакли ўлчамдан сербарроқ қилиб кесилади, ва том тўсимлари орасига босим остига ётқизилади.
3. **Намлик изоляцияси ва буғ изоляциясини жойлаштириш.**
   Юпқа пардани ётқизишда: қандай ейилса – шундай ётқизилади, – қоидасига амал қилинади. Юпқа пардалар, том тўсимлари бўйлаб, карниздан қиррага қараб горизонтал йўналишда, устма-уст тушувчи четларининг узунлиги 150 мм дан кам бўлмаган ўлчамда ётқизилади (ташқи томондан – намлик изоляцияси учун, ички томондан – буғ изоляцияси учун).
4. **Нов учун қайрилма қозиқларни ўрнатиш.**
5. **Том панжараси (обрешётка) ни йиғиш.**
   Том панжараси (обрешётка) сифатида дарахтдан фойдаланилади.
6. **Карниз планкасини йиғиш.**
   Карниз планкалари ёпиқ том остидаги бўшлиқни ёпади, намлик ва ахлат тушишидан ҳимоя қилади.
7. **Томнинг пастки қиррасини ўрнатиш.**
   Томнинг пастки қирраси остига яхлит том панжараси бажарилади. Универсал зичлагич ётқизилади. Том қиррасининг пастки чети карниз тахтасининг устига ётқизилади. Том қирраларининг горизонтал кесишувида устма-уст тушувчи четларнинг узунлиги 300 мм дан кам бўлмаган ўлчамни ташкил этиши керак.
8. **Том ёпиш листларини кўтариш.**
9. **Том ёпиш материалларини йиғиш.**
   Листлар карниз чизиғи бўйлаб қатъий горизонтал текисланиши лозим, ҳар бир карниз 50 мм осилиши керак.
10. **Том ёпиш материалларини саморезларга маҳкамлаш.**
11. **Кўндаланг кесилган планкани ўрнатиш.**
    Кўндаланг кесилган планка карниздан қиррага йўналишида ўрнатилади, ва 350 мм оралиқ билан кўндаланг кесилган тахтага саморезлар ёрдамида маҳкамланади. Планкалар орасидаги устма-уст тушувчи четларнинг узунлиги – 100 мм, заруратига қараб планкаларни кесиш мумкин.
12. **Томнинг устки қиррасини ўрнатиш.**
    Икки том нишаби туташиш жойидаги ички бурчакда, ўзи кенгаядиган зичлагичдан кейин ётқизилади.
13. **Туташиш планкаларини ўрнатиш.**
    Черепица листи ва унга туташган элемент орасига универсал зичлагич ўтқизиш лозим. Ёпиқ томнинг синган жойларида узлуксиз намлик изоляциясига амал қилинади.
14. **Қиррани ўрнатиш.**
    Қирра тагидаги бўшлиққа ўрнатилган намлик изоляцияси учун мўлжалланган юпқа пардаси, қирранинг бутун узунлиги бўйлаб кенглиги 200 мм дан кам бўлмаган ўлчамдаги узилишга эга бўлади. Қирра, юқори чўққига том панжараси (обрешётка)га иккала томондан қирралар учун мўлжалланган саморезлар ёрдамида тўлқин ора маҳкамланади.
15. **Хавфсизлик элементларини йиғиш.**
    Қор тўсувчиси, ёпиқ том нишаби бўйлаб карнизга параллел равишда ҳамда мансарда деразалари устига ўрнатилади. Карнизга маҳкамлаш таъқиқланади. Зиналар ва ўтиш

кўприкчаларини ўрнатишда, маҳкамлаш жойларига яхлит том панжарасини бажариш лозим. Маҳкамлаш ишлари тўлқин букилиш жойига қилинади.